



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 10 » yanvar

№ 8

Toshkent sh.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академияда дипломатик лавозимларга тайинланадиган номзодларни ўқитиш, шунингдек, айрим лавозимдаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 23 июлдаги ПҚ–330-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 23 июлдаги ПҚ–330-сон қарорининг 7-бандига мувофиқ **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Олий дипломатия мактаби негизида Дипломатик академия (кейинги ўринларда – Академия) ташкил этилганлиги ва унинг устувор вазифалари белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академияда дипломатик лавозимларга тайинланадиган номзодларни ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига асосан дипломатик лавозимларга (*Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакили, Бош консул, консул ва бошқалар*) тайинлаш мақсадида номзодларни ўқитиш учун **ўқув курсларини ташкил этиш тартиби;**

ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар (дипломатик хизматга қўйиладиган касбий ихтисослик талабларига мувофиқлик, замонавий технологияларга йўналтирилганлик, дастурлар мазмунининг дипломатик хизматни ташкил қилиш ва дипломатик фаолият масалалари бўйича белгиланган таълим тури ва шаклларига мувофиқлиги);

Ўқув курсларининг муддатини Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига асосан беш кундан бир ўқув йилигача этиб белгилаш;

ўқитиш шакллари (анъанавий, масофавий ва муқобил тайёрлашдан ўтиш) белгилаш;

ўқув курслари якуни бўйича якуний имтиҳон ўтказиш ва апелляция бериш тартиби;

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академияда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларини ҳамда ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассисларни ҳар уч йилда камида бир марта қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилаш;

ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар (давлат хизматида қўйиладиган касбий ихтисослик талабларига мувофиқлик, дастурлар мазмунининг давлат хизматини ташкил қилиш ва дипломатик фаолият масалалари бўйича белгиланган таълим тури ва шаклларига мувофиқлиги);

ўқув курсларининг жами муддатини (беш кундан бир ўқув йилигача) юборилаётган тингловчиларнинг лавозими ва касбий юқламасидан келиб чиққан ҳолда, юборувчи ташкилот томонидан белгилаш;

ўқув курслари якуни бўйича якуний имтиҳон ўтказиш ва апелляция бериш тартиби.

3. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академия ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги сертификат намунаси ва унинг тавсифи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири в.б. Б.О. Саидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “10” январдаги 8 -сон қарорига
1-илова

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академияда дипломатик лавозимларга тайинланадиган
номзодларни ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академияда (кейинги ўринларда – Академия) дипломатик лавозимларга тайинланадиган номзодларни ўқитишни ташкил этиш ва таълим сифатини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) буюртмасига асосан қуйидаги лавозимларга тайинлаш мақсадида кадрлар захирасига танланган шахслар (номзодлар) Академия ўқув курсларида малака ошириш учун юборилади:

Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакили;

Бош консул, консул;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналардаги маслаҳатчи-вакили, маслаҳатчиси (шу жумладан, савдо-иқтисодий масалалар бўйича), биринчи котиби, иккинчи котиби, учинчи котиби, атташеси.

3. Академия ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 июндаги ПҚ–3795-сон ва “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 23 июлдаги ПҚ–330-сон қарорлари, Вазирлик Ҳайъати йиғилишининг қарорлари, ташқи ишлар вазири буйруқлари, Академия низоми, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори ҳамда Академия директори буйруқлари, шунингдек уларнинг илмий кенгашлари қарорлари асосида ўқитилади.

4. Истикболли кадрлар захираси билан ишлаш бўйича умумий ташкилий-бошқарув фаолияти Вазирликнинг кадрлар билан ишлашга масъул таркибий бўлинмаси, ўқув-методик таъминот Академия томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Кадрлар захирасига танланган шахслар тегишли лавозим бўйича мақсадли ўқув курсларига бир марта юборилади.

2-боб. Ўқув курсларининг мақсади ва асосий вазифалари

6. Ўқув курсларининг мақсади – дипломатик кадрлар захираси учун танланадиган шахсларнинг илғор таълим технологияларига асосланган самарали ўқитиш тизимини шакллантириш орқали касбий билим, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

7. Қуйидагилар ўқув курсларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дипломатик кадрлар, жумладан, юқори бўғин дипломатларини (элчи ва маслаҳатчиларни) тизимли равишда тайёрлаш;

давлат бошқаруви тизими ва маҳаллий ҳокимият органи ходимлари орасидан муносиб номзодларни танлаб олиш, тайёрлаш ҳамда дипломатик раҳбар ходимлар (элчи, бош консул ва маслаҳатчилар) захирасини яратиш;

Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига мувофиқ хорижга узоқ муддатли сафарга юборилаётган ходимлар, шу жумладан, маъмурий-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун мезбон мамлакатнинг ўзига хосликлари, дипломатик протокол ва одоб-ахлоқ хусусиятлари, чет элда яшаш ҳамда маҳаллий аҳоли билан мулоқот қоидалари кабилар билан таништиришга қаратилган қисқа муддатли курслар ташкил қилиш;

дипломатик фаолиятни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, халқаро муносабатларнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларни, жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

дипломатик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият юритадиган етакчи хорижий таълим ташкилотлари билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

3-боб. Ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар

8. Таълим сифати тингловчиларнинг қай даражада зарур ва етарли тайёргарликка эга эканликлари, уларнинг билим ва амалий кўникмалари дипломатик кадрларга, дипломатик хизматга қўйиладиган талабларга мослиги билан белгиланади.

9. Ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

дипломатик хизматга қўйиладиган касбий ихтисослик талабларига мувофиқлик;

замонавий технологияларга йўналтирилганлик;

дастурлар мазмунининг дипломатик хизматни ташкил қилиш ва дипломатик фаолият масалалари бўйича белгиланган таълим тури ва шаклларига мувофиқлиги.

4-боб. Ўқув курсларини ташкил этиш тартиби

10. Ўқув курслари **анъанавий** ва **масофавий** шаклларда ташкил этилади.

11. Ўқув курсларининг жами муддати тегишлича **25, 50, 144, 288, 576** ва **1 152 соат** ҳажмида ўқув дастурлари бўйича ташкил этади.

Бунда ўқув курсларининг жами муддати Вазирлик буюртмасига асосан юборилаётган тингловчиларнинг лавозими ва касбий юкламасидан келиб чиққан ҳолда, **беш кундан бир ўқув йилигача** этиб белгиланади.

12. Ўқув курсларининг **анъанавий** шаклида тингловчи ўқув курси дастурларини Академияга келиб, тўлиқ дарс жараёнларига қатнашган ҳолда ўзлаштиради. Бунда бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми **36 соатни** ташкил этади.

13. Ўқув курсларининг **масофавий** шаклида тингловчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, таълим усуллари орқали малака оширишнинг онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклида ўқув дастурларини ўзлаштиради.

14. Сўнгги уч йилда хорижий давлатлардаги тайёрлов ва малака ошириш курсларида ўқиш **муқобил тайёрлашдан ўтиш** ҳисобланади. Муқобил тайёрлашдан ўтган тингловчиларнинг хорижий давлатларда олган таълим тўғрисидаги ҳужжати (сертификати) асосида уларга нисбатан сертификат амал қилиш муддати давомида Академия ўқув курсларида ўқиш талаб этилмайди.

15. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда тингловчилар сафидан четлатилади:

ўз ихтиёрига кўра;

касб этикаси талабларини бузганда;

саломатлигининг ёмонлашгани сабабли (тиббий маълумотнома ёки тиббий хулоса асосида).

16. Тингловчилар сафидан чиқариш Академия директори буйруғи билан расмийлаштирилади ва дарҳол тингловчига ҳамда Вазирликка етказилади.

17. Ўқув курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан сўнг якуний имтиҳон топширадilar. Якуний имтиҳон Академия директори бошчилигидаги комиссия томонидан қабул қилинади.

Комиссия таркиби Академия илмий кенгаши томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда, тажрибали дипломатлар ва соҳа мутахассислари орасидан **камида 7 кишидан иборат бўлган таркибда** шакллантирилади.

18. Якуний имтиҳон синови ёзма иш шаклида ўтказилади.

Якуний имтиҳонда **55 балл тўплаган** ўқув курслари тингловчилари имтиҳондан ўтган ҳисобланади. **55 баллдан кам олган** тингловчиларга иккинчи марта якуний имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

19. Якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Вазирлик Ҳайъати билан келишилган ҳолда, Академия ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида давлат намунасидаги **сертификат берилади.**

5-боб. Ўқув курслари якуний имтиҳон натижалари юзасидан апелляция бериш тартиби

20. Якуний имтиҳон натижаларидан норози бўлган тингловчилар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб **уч кун ичида** Апелляция комиссиясига ёзма равишда апелляция беришлари мумкин.

21. Апелляция комиссияси якуний имтиҳон бошлангандан кейин **ўн кун ичида** Академия директорининг буйруғига кўра ҳар бир таълим тури бўйича тажрибали дипломатлар ва соҳа мутахассислари орасидан **7 кишидан иборат таркибда** тузилади.

Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш учун жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

22. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб **ўн кун муддатда** кўриб чиқилади.

Мурожаат этувчи тингловчилар Апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг мурожаатларни масофадан туриб (онлайн тарзда) кўриб чиқиш вақтлари тўғрисидаги маълумотлар Академиянинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

23. Апелляция комиссияси тингловчиларнинг якуний имтиҳон жараёнларига оид муурожаатини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

тингловчиларнинг тўғри баҳоланганлиги, синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, **якуний имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;**

тингловчилар тайёргарлиги нотўғри баҳоланганлиги аниқланган тақдирда, **якуний имтиҳон натижаларини ўзгартириш;**

синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, **якуний имтиҳоннинг қайтадан топширилишини ташкил этиш.**

24. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга ҳисобланади.

25. Апелляция комиссияси қарорининг нусхаси муурожаат этувчиларга ушбу комиссия қарори чиққан кундан эътиборан **беш кун ичида** тақдим этилади.

6-боб. Якунловчи қоида

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
ҳузуридаги Дипломатик академияда дипломатик
лавозимларга тайинладиган номзодларни ўқитишни
ташkil этиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академияда дипломатик лавозимларга тайинладиган
номзодларни ўқитишни ташkil этиш тартиби
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Ўтказиладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	Дипломатик лавозимларга тайинлаш мақсадида кадрлар захирасига танланган шахслар (номзодлар)ни Дипломатик академия ўқув курсларида малака ошириш учун юбориш	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига асосан
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Дипломатик академия	Ўқув курсларининг жами муддатини белгилаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин
3-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин
4-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари шаклларини аниқлаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин

5-босқич	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг кадрлар билан ишлашга масъул таркибий бўлинмаси	Ўқув курсларига юборилган тингловчилар устидан умумий ташкилий-бошқарув	Доимий равишда
	Дипломатик академия	Ўқув-методик таъминотни мувофиқлаштириш	Доимий равишда
6-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари тингловчиларидан ўқишни тугатгандан сўнг якуний имтиҳон олиш	Ўқув курслари якуни бўйича
7-босқич	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Дипломатик академия	Якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларга ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат бериш	Якуний имтиҳон натижалари бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “10” январ даги 8 -сон қарорига
2-илова

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академияда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек,
туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо
масалалари бўйича ўринбосарларини ҳамда ташқи сиёсий, ташқи
иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассисларни
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академияда (кейинги ўринларда – Академия) айрим лавозимдаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Куйидаги лавозимлардаги мутахассислар Академияда ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари;

ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган мутахассислар ҳар уч йилда камида бир марта малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича малакасини ошириши шарт.

3. Академия ҳар йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори ва Академия директори томонидан тасдиқланадиган ўқув режаси ва ўқув дастурларига мувофиқ қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этади.

4. Академия ўқув курсларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 июндаги ПҚ–3795-сон ва “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 23 июлдаги ПҚ–330-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) Ҳайъати йиғилишининг қарорлари, ташқи ишлар вазири буйруқлари, Академия низоми, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори ҳамда Академия директори буйруқлари, шунингдек уларнинг илмий кенгашлари қарорлари асосида ўқитилади.

5. Академия ўқув курсларига ишдан ажралган ҳолда юбориладиган тингловчиларнинг асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва маоши сақланади ҳамда улар юбораётган ташкилотнинг сўровига кўра Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида турар жой билан таъминланадилар.

6. Тингловчиларнинг ўқув курслари ҳамда турар жой билан боғлиқ харажатлари шартнома асосида юборувчи томон ҳисобидан қопланади.

2-боб. Ўқув курсларининг мақсади ва асосий вазифалари

7. Ўқув курсларининг мақсади – илғор ўқитиш технологияларига асосланган ҳолда, кадрларнинг касбий билим, кўникма ҳамда малакалари, ишбилармонлик кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

8. Ўқув курсларининг асосий вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар ҳамда ходимларни қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида тўлов-шартнома асосида, шу жумладан, масофавий шаклда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобланади.

3-боб. Ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар

9. Ўқув курслари дастурларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

давлат хизматида қўйиладиган касбий ихтисослик талабларига мувофиқлик;

дастурлар мазмунининг дипломатик хизматни ташкил қилиш ва дипломатик фаолият масалалари бўйича белгиланган таълим тури ва шаклларида мувофиқлиги.

4-боб. Ўқув курсларини ташкил этиш тартиби

10. Ўқув курслари анъанавий ва масофавий шаклларда ташкил этилади.

11. Ўқув курсларининг жами муддати тегишлича **25, 50, 144, 288, 576** ва **1 152 соат** ҳажмида ўқув дастурлари бўйича ташкил этади.

Бунда ўқув курсларининг жами муддати Вазирлик буюртмасига асосан юборилаётган тингловчиларнинг лавозими ва уларнинг касбий юқламасидан келиб чиққан ҳолда, **беш кундан бир ўқув йилигача** этиб белгиланади.

12. Ўқув курсларининг анъанавий шаклида тингловчи ўқув курси дастурларини Академияга келиб, тўлиқ дарс жараёнларига қатнашган ҳолда ўзлаштиради. Бунда бир ҳафтадаги ўқув юқламасининг энг юқори ҳажми **36 соатни** ташкил этади.

13. Ўқув курсларининг **масофавий шаклида** тингловчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим усуллари орқали малака оширишнинг онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат турларини масофадан туриб реал вақт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) шаклида ўқув дастурларини ўзлаштиради.

14. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда тингловчилар сафидан четлатилади:

ўз ихтиёрига кўра;

касб этикаси талабларини бузганда;

қайта тайёрлаш курсларида 24 академик соат ва малака ошириш курсларида 12 академик соат сабабсиз дарс қолдирганда;

саломатлигининг ёмонлашгани сабабли (тиббий маълумотнома ёки тиббий хулоса асосида).

15. Тингловчилар сафидан чиқариш Академия директори буйруғи билан расмийлаштирилади ва дарҳол тингловчига ҳамда уни ўқув курсига юборган ташкилотга етказилади.

16. Ўқув курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан сўнг якуний имтиҳон топширадилар. Якуний имтиҳон Академия директори бошчилигидаги комиссия томонидан қабул қилинади.

Комиссия таркиби Академия илмий кенгаши томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда соҳа мутахассислари орасидан **камида 7 кишидан иборат бўлган таркибда** шакллантирилади.

17. Якуний имтиҳон синови ёзма иш шаклида ўтказилади.

Якуний имтиҳонда **55 балл тўплаган** ўқув курслари тингловчилари имтиҳондан ўтган ҳисобланади. **55 баллдан кам олган** тингловчиларга иккинчи марта якуний имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

18. Якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Вазирлик Ҳайъати билан келишилган ҳолда, Академия ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида давлат намунасидаги **сертификат берилади.**

5-боб. Ўқув курслари якуний имтиҳон натижалари юзасидан апелляция бериш тартиби

19. Якуний имтиҳон натижаларидан норози бўлган тингловчилар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб **уч кун ичида** Апелляция комиссиясига ёзма равишда апелляция беришлари мумкин.

20. Апелляция комиссияси якуний имтиҳон бошлангандан кейин **ўн кун ичида** Академия директорининг буйруғига кўра ҳар бир таълим тури бўйича соҳа мутахассислари орасидан **7 кишидан иборат таркибда** тузилади.

Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш учун жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

21. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб **ўн кун** муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаат этувчи тингловчилар Апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг мурожаатларни масофадан туриб (онлайн тарзда) кўриб чиқиш вақтлари тўғрисидаги маълумотлар Академиянинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

22. Апелляция комиссияси тингловчиларнинг якуний имтиҳон жараёнларига оид мурожаатини кўриб чиқиб, куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

тингловчиларнинг тўғри баҳоланганлиги, синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, **якуний имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;**

тингловчилар тайёргарлиги нотўғри баҳоланганлиги аниқланган тақдирда, **якуний имтиҳон натижаларини ўзгартириш;**

синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, **якуний имтиҳоннинг қайтадан топширилишини ташкил этиш.**

23. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга ҳисобланади.

24. Апелляция комиссияси қарорининг нусхаси мурожаат этувчиларга ушбу комиссия қарори чиққан кундан эътиборан **беш кун ичида** тақдим этилади.

6-боб. Якунловчи қоида

25. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
ҳузуридаги Дипломатик академияда Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман
(шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо
масалалари бўйича ўринбосарларини ҳамда ташқи
сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият
соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академияда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман
(шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари
бўйича ўринбосарларини ҳамда ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва
халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассисларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Ўтказиладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар рўйхатини шакллантириш	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар буюртмасига асосан
2-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курсларининг жами муддатини белгилаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин
3-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин

4-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари шакллари аниқлаш	Ўқув курслари бошланишидан 1 ой олдин
5-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курсларига юборилган тингловчилар устидан умумий ташкилий-бошқарув	Доимий равишда
		Ўқув-методик таъминотни мувофиқлаштириш	
6-босқич	Дипломатик академия	Ўқув курслари тингловчиларидан ўқишни тугатгандан сўнг якуний имтиҳон олиш	Ўқув курслари якуни бўйича
7-босқич	Дипломатик академия	Якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган тингловчиларга ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида давлат намунасидаги сертификат бериш	Якуний имтиҳон натижалари бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “10” Январ даги 8 -сон қарорига
3-илова

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академия ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги
сертификат намунаси**

(Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI ISHLAR VAZIRLIGI
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti huzuridagi
Diplomatik akademiya o‘quv kurslarini tugatganlik haqida
SERTIFIKAT**

DA № 000000

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__yil _____ dan
20__yil _____ gacha

(o‘quv kurslari olib borilgan muassasa nomi)

jami _____ soatli

(o‘quv kursining nomi)
bo‘yicha o‘quv kursini muvaffaqiyatli tugatdi.

Muhr o‘rni

Direktor _____

(imzo)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

Sana _____ Qayd raqami _____

**THE MINISTRY OF FOREIGN AFFAIRS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
CERTIFICATE OF COMPLETION OF THE COURSES OF
DIPLOMATIC ACADEMY UNDER THE UNIVERSITY
OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY**

DA № 000000

(full name of the listener)

Beginning of the course: 20__ _____

End of the course: 20__ _____

(name of the institution of the courses were held)

overall _____ hours

(course)

has been successfully accomplished.

Stamp

Director _____

(signature)

(full name)

Date _____ Registration number _____

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги
Дипломатик академия ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги
сертификат тавсифи**

Ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги сертификат офсет усулида А4 форматдаги оқ қоғозда бешта бўёқдан: қора ранг – матн учун, яшил, кўк, қизил ранг – расмлар тасвири учун, оч кул ранг – фон учун фойдаланиб босилади.

Варақнинг чап томони четидан 10 мм қолдирилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири билан 32 мм кенгликдаги ҳошия жойлаштирилади. Ҳошиянинг юқори қисмида 30 мм диаметрли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, пастки қисмида – 35 мм ҳажмдаги иккита туташ тўртбурчакдан ташкил топган саккизбурчакли юлдуз жойлашади, юлдуз марказида муҳр учун диаметри 25 мм бўлган оқ доира бор.

Варақнинг қолган қисмининг юқорисида давлат тилида лотин графикасида қуйидаги сўзлар босилади:

(“O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi

**Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti huzuridagi
Diplomatik akademiya o‘quv kurslarini tugatganlik haqida
Sertifikat”)**

**The Ministry of foreign affairs of the Republic of Uzbekistan
Certificate of completion of the courses of Diplomatic Academy under
the University of World economy and diplomacy**

Сертификат икки лотин ҳарфи “DA” ва олти сондан иборат тартиб рақамига эга. Матн оч кул ранг фонда гулдор нақш билан босилади.

Сертификат олти карра ҳимояланган бўлиб, қуйидагилардан фойдаланилган:

босишнинг икки – офсет ва юқори усули;

нур орқали нусха кўчиришни мураккаблаштириш учун ёрқин ранглар;
гулдор нақш;

турли рангли нақшлар тўрларидан фойдаланиш йўли билан ҳар хил ранглар ҳосил қилиш;

махсус қоғоз:

алмашиб турадиган сонлардан тартиб рақами.

